

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

**АЧИЛОВА ФИРУЗА КУРБАНОВНА**

**УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ (ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

**08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч - 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Ачилова Фируза Курбановна**

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш (Шахрисабз тумани мисолида).....5

**Ачилова Фируза Курбановна**

Повышение эффективности жилищно-коммунального хозяйства (на примере Шахрисабзского района).....29

**Achilova Firuza Kurbanovna**

Improving the efficiency of housing and communal services (on the example of the Shahrissabz district).....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

**АЧИЛОВА ФИРУЗА КУРБАНОВНА**

**УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ (ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

**08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч - 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Iqt2416 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хатамов Очилди Қурбонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бойхонов Баходир Турсунбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Чўпонов Санъат Отаназарович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: [arm@urdu.uz](mailto:arm@urdu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.С.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

**Ш.Б.Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**У.Р.Матякубов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли сони ошиб бораётган бир шароитда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлмоқда. “Ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улуши 75 фоизни ташкил этиб, коммунал хизматлар соҳасида эса 42 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларининг хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик Европанинг ривожланган мамлакатларида 75 фоиз, АҚШда эса 80 фоиз, Японияда 82 фоиздан ортади”<sup>1</sup>. Иқтисодий тараққиётнинг бугунги кундаги энг муҳим йўналишларидан бири коммунал хизматларни модернизация қилиш, уларни янги техник талаблар, инновацион технологияларни жорий этиш, ирнтерактив хизматлардан фойдаланиб тизимлаштириш ҳамда меъёрлар ва сифат стандартларига мувофиқлаштириш энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда глобаллашув жараёни ҳамда унинг хизматлар бозори шаклланиши ва ривожланишига бўлган таъсиридан келиб чиққан ҳолда қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишда янги технологияларни тадбиқ этиш, замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш, интерактив хизматларни жорий этиш, ҳудуд инфратузилмаси ва экотизимни сақлашда коммунал чикиндиларни бошқариш, ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини соҳалар билан ўзаро интеграциясини ташкил қилиш ва оптимал қарорлар қабул қилиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, ҳудудларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган стратегик мақсадлардан бири бозор муносабатлари ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини шакллантириш учун иқтисодиётни рақамлаштириш заруриятидир<sup>2</sup>. Уй-жой коммунал хизмат сифатини оширишда рақамли технологияларга ўтиш жараёни бўлган иқтисодий фаолият ва интерактив хизматларнинг янги босқичига ўтиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сонли “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрьдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-

<sup>1</sup> Манба: <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрельдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 февральдаги “Кўп квартиралли уйларни бошқаришни такомиллаштириш ва коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 47-сонли Қарорлари, шунингдек бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича хорижий олимлардан С.Пакер, Ж.Дженэт, С.Ван Дюк, С.Дерби, D.S.Stoffer, R.H.Dhumway, Б.Багиратҳа, Д.Р.Баҳодур, С.Нараян, J.E.Hanke, and Reitschлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш, смарт технологияларини жорий этиш, чиқиндиларга хизмат кўрсатишни онлайн назорат қилиш ва самарадорлигини оширишга бағишланган қатор тадқиқотлар олиб боришган<sup>3</sup>.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.А.Рудаков, Р.И.Орлова, Л.К.Зайцев, А.З.Пронин, Л.Н.Чернышов, В.К.Курилов, А.Н.Романов, Б.Е.Одинцов ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. А.П.Иванов, С.А.Кожевников, М.Л.Крупницкий, Н.С.Егорова, Е.Б.Смирнов, Т.К.Руткаускас, В.А.Крылов, А.Г.Мокронос, П.Р.Качкаев<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

---

<sup>3</sup> Parker, S. et al. (2015) Metering best practices: a guide to achieving utility resource efficiency. Pacific Northwest National Library Papers. PNNL-23892.; Genet, G. (2010) Designing a metering system for small and medium sized buildings. Schneider Electric Research Papers. 12/2010. Van Dyck, C. (2011) Smart gas metering on the move in Europe. Metering International Issue. 4/2011. Darby, S. (2006). The effectiveness of feedback on energy consumption.: a review of defra of the literature on metering, billing and direct displays. Environmental Change Institute of University of Oxford Working Papers. 6/2006. Stoffer, D.S. and R.H. Dhumway, 2010. Time Series Analysis and its Application. 3rd Edn., Springer, New York, ISBN-10: 1441978658, pp: 596; Bhagirath B, Dil Bahadur.Rahut, Narayan.S, Analysis of household access to drinking water, sanitation, and waste disposal services in urban areas of Nepal, <https://doi.org/10.1016/j.jup.2019.100996> Received 21 May 2019; Received in revised form 1 December 2019; Accepted 2 December 2019; Hanke J.E., and Reitsch A.G. (1995) Business forecasting, 5th ed., Prentice-Hall: Englewood Cliffs, NJ. 120 p;

<sup>4</sup> Рудаков И.А, Автоматизация начисления и учета жилищно-коммунальных платежей. Монография, - М.: «Экон-информ», 2002.-171 с.; Орлова Р.И., Зайцев Л.К., Пронин А.З. Экономика жилищно-коммунального хозяйства - М.: Стройиздат, 1988-270 с.; Чернышов Л.Н. Экономика городского хозяйства М.: «Люберецкая газета», 2004.-325 с.; Курилов В.К. Расчет систем газоснабжения городов и населенных пунктов: Учебное пособие. - Редакционно-издательский отдел Ивановской архитектурно-строительной академии, 1998. -86 с.; Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Информационные системы в экономике (лекции, упражнения, задачи): Учебное пособия. – М.: Вузовский учебник, 2006.-300 с. Иванов А.П. Комплексное развитие жилищно-коммунального хозяйства городов и сел. – М., Стройиздат, 2016. – 160 с.; Кожевников С.А. Жилищно-коммунальное хозяйство региона: состояние, проблемы, перспективы [текст]: монография / С.А.Кожевников; под науч. рук.д.э.н. Т.В.Усковой. – Вологда: ИСЭРЕ РАН, 2015. – 140 с.; Крупницкий М.Л. Экономика, организация и планирование

Республикамиз олимларидан В.Қ.Қобулов, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, А.А.Мусалиев, Д.М.Расулев, Б.А.Бегалов, А.Н.Арипов, А.Т.Кенжабаев, Х.С.Мухитдинов, И.Е.Жуковскаялар миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг турли муаммоларини ҳал қилишда замонавий технологияларидан фойдаланишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларини ўз илмий ишларида ёритиб беришган. Улар Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида инновацион технологиялар, иқтисодий информатика, ҳисоблаш техникасидан оптимал фойдаланиш, ахборот махсулотлари ва хизматлари маркетингини ташкил қилиш бўйича олиб борилган ишларга ўзларининг сезиларли илмий ҳиссаларини қўшишган.<sup>5</sup>

Мазкур олимларнинг тадқиқотларида уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги мулкӣ ислохотларнинг тадрижий ривожланиши кенг миқёсда статистик таҳлил этилиб, илмий ёндашувлар асослаб берилган.

Мамлакатимизда аҳолига коммунал хизматлари кўрсатиш ва уй-жой хўжалигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А.Э.Ишмухамедов, Б.З.Каланов, М.З.Каланова, А.Б.Хайитов<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини эконометрик моделлаштириш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан Т.Ш.Шодиев, Ё.А.Абдуллаев, С.С.Ғулямов, Б.А.Бегалов, Н.М.Соатов, Б.К.Ғойибназаров, Х.А.Шодиев, И.Ҳабибуллаев<sup>7</sup> ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

---

жилищного хозяйства. – М., Стройиздат, 2014. – 191 с.; Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе – М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.; Смирнов Е.Б. Воспроизводство жилищного фонда крупного города в условиях формирования экономических отношений рыночного типа. – СПб., СПбГИЭА, 2015. – 264 с.; Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно-коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2005. – 391 с.; Формирование и развитие рынка жилищно-коммунальных услуг / В.А. Крылов, А.Г. Мокроносов, Т.К. Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во «Екатеринбург», 2000. – 291 с.; Качкаев П. Р. Проблемы и перспективы развития ЖКХ в рамках реформирования отрасли. // Жилищно-коммунальное хозяйство. – 2017, № 2. – С. 2-5.;

<sup>5</sup> Қобулов В.Қ. Алгоритмизация в социально-экономических системах.- Т.: Фан, 1989.; С.С. Ғуломов., Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Т.: Фан, 2007.- 342 с.; Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (Банклар инвестицияси мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: Фан ва технологиялар, 2003 йил, 40 б.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация иши. Т.: 2001.-330 б.; Арипов А.Н. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муам-молари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2005.-32 б.; Жуковская И.Е. Исследование процессов эффективного использование информационно-коммуникационных технологий в туризме. Автореф. дис. канд. эконом. наук.. – Т.: 2010. - 22 с.

<sup>6</sup> Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007.; Хайитов А.Б., Каланов Б.З., Каланова М.З. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжаликни ривожланишини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2006. – 35 б.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика // Ўқув қўл.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, ТДИУ, 2005.–126 б.;

<sup>7</sup> Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб.–Т.: Мехнат, 1998. – 382 б.; Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика.–Т.: ТДИУ, 2010. – 587 б.; Соатов Н.М. Статистика. Дарслик.– Т.:Абу Али ибн Сино, 2003.–743 б.; Ғойибназаров.Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш, Монография. – Т.: ФАН, 2006. – 125 б.; Шодиев Х.А., Ҳабибуллаев И. Статистика. // Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.–253-268 б.

Юқорида кайд этилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, мазкур тадқиқотларда ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни тизимли такомиллаштириш даражасида соҳа интерактив хизматларни ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатларига етарли эътибор берилмаган. Шу сабабли илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда замонавий технологиялар, логистика, таълим ва илғор технологиялар билан уйғунлаштиришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни тизимлаштиришнинг назарий, илмий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда интерактив хизматларни жорий этилишини асослантириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда интерактив хизматларни жорий этишнинг хорижий тажрибаларини тадқиқ этиш ҳамда уларни Ўзбекистон шароитига мос келадиганларини қўллашни таклиф этиш;

ҳудуд инфратузилмаси ва экотизимни сақлашда коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришнинг интеграцион алоқаларини яратиш;

ҳудудда коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини соҳалар билан ўзаро интеграциясини такомиллаштириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини тизимлаштириш жараёнлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича интерактив хизматларнинг ягона платформасини яратиш;

коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувининг рақамли “Digital Communal” дастурий таъминотини тадбиқ этилиши;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувининг тенденциялари ва ривожланиш истикболларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари ва субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир амалга оширилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантикий ва таққослаш усуллари, иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шаҳрисабз тумани коммунал хизмат кўрсатиш самарадолигини оширишнинг умумий даражаси инсон капитали бўйича юқори (71.1 фоиз), интерактив хизматлар қамрови бўйича ўрта (58,7 фоиз), анъанавий хизмат кўрсатиш бўйича қуйи (48,9 фоиз) даражаларини қиёслаш асосида ҳудудий барқарорликка эришиш имкониятлари асосланган;

Шаҳрисабз тумани коммунал хизмат кўрсатишни соҳалар билан интеграциялаштиришни Гулистон МФЙ юқори (90-96 балл), Наматон МФЙ ўрта (62 -67 балл), Чоршанбе МФЙ, Хонтепа МФЙ ва Оқдарё МФЙларида сушт (35-41 балл), Сарчашма МФЙ, Филон МФЙ ва Хисорак МФЙ заиф (26-31 балл) даражалари асосида рейтинг баҳолаш тизими таклиф қилинган;

Шаҳрисабз туманида хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини ягона платформада бирлаштириш асосида харажатлар ҳажмини камайтириш, ресурсларни тежашни йўлга қўйиш ёрдамида 75 фоиздан 25 фоизгача қисқартириш таклифи асосланган;

Шаҳрисабз туманида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш кўрсаткичларининг 2026 йилга қадар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

уй-жой коммунал хизматларини ташкил этишда замонавий технологиялар, логистика, таълим ва илғор технология билан уйғунлаштиришнинг инновацион алоқа ва ўзаро муносабатлари такомиллаштирилган;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг SWOT-таҳлиллари асосида такомиллаштириш таклиф этилди;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда энг асосий устувор параметрларини аниқлашнинг имитацион модели ишлаб чиқилган;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда “Digital Communal” интерактив хизматлар платформасининг ишлаб чиқилиши Шаҳрисабз тумани аҳолисининг ягона тизимда ахборотларни қабул қилиш имконияти яратилган;

“Digital Communal” интерактив коммунал хизматлар платформасини тадбиқ этиш орқали аҳолининг уй-жой коммунал хизматлардан онлайн фойдаланиши, хизмат нархлари микдори тўғрисида маълумотларни тез ва осон олиши ҳамда хизмат кўрсатувчилар билан интерактив мулоқоти таъминлаган;

уй-жой коммунал хизматларида сифат даражаси ва интерактив хизматлар самарадорлигини оширувчи соҳаларнинг интеграцион боғлиқлик механизми

ишлаб чиқилган ҳамда унинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган;

Шаҳрисабз тумани аҳолисининг тезкор ахборот алмашинуви, яшаш сифати ва даражасини ошириш, иқтисодий тежамкорликка эришиш, ортиқча харажатларни камайтириш, кўп вақт сарфлашни олдини олиш, масофани қисқартириш каби самарадорликларига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси, Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси маълумотларидан фойдаланганлиги, келтирилган таҳлилларнинг математик, статистик ва эконометрик усулларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда асосланган назарий, услубий ва амалий тавсиялар ҳамда ишланмалар Шаҳрисабз тумани ҳудудларида уй-жой коммунал хизматларидан ўз вақтида фойдаланишлари, онлайн буюртмаларни амалга оширишнинг самарали тизимини жорий қилиш борасида рақамлаштирилган иш ўринларини яратишда ҳамда амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида олинган илмий натижалардан Қашқадарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида Шаҳрисабз тумани ҳудудларида аҳоли билан коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро интеграцияси таъминланганлиги ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш, онлайн буюртмаларини қабул қилиш тизимини юритишда ва интерактив хизматларни улар фаолиятида кенг жорий этишни такомиллаштиришда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Асосий таклифлар ва хулосалар уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини кенгайтирилган ҳолда кўп омилли эконометрик таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш ҳамда статистик ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлилик даражаси ва фойдаланувчиларнинг талабларига мос келишини таъминлайди ҳамда истиқболларини прогнозлаш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудда уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда прогноз кўрсаткичларини асослашда муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, олий ўқув юртларида иқтисодиёт йўналишидаги “Хизмат кўрсатиш”, “Макро-микро иқтисодёт”, “Иқтисодиётда ахборот технологиялари”, “Рақамли иқтисодиёт” ва “Минтақавий иқтисодиёт” фанларини ўқитишда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш жараёнларини замонавий технологиялардан асосида самарали ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Шаҳрисабз тумани коммунал хизмат кўрсатиш самарадолигини оширишнинг умумий даражаси инсон капитали бўйича юқори (71.1 фоиз), интерактив хизматлар камрови бўйича ўрта (58,7 фоиз), анъанавий хизмат кўрсатиш бўйича куйи (48,9 фоиз) даражаларини қиёслаш асосида ҳудудий барқарорликка эришиш имкониятлари бўйича таклиф Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сон қарори ижроси юзасидан 283-4-0-Q/21-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги №01/13-6348-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга ошириши – замонавий технологияларини кенг жорий қилиш ҳисобига коммунал тўловларини амалга оширишда сарфланадиган харажатлар 48 фоизга камайтирилган;

Шаҳрисабз тумани коммунал хизмат кўрсатишни соҳалар билан интеграциялаштиришни Гулистон МФЙ юқори (90-96 балл), Наматон МФЙ ўрта (62 -67 балл), Чоршанбе МФЙ, Хонтепа МФЙ ва Окдарё МФЙларида султ (35-41 балл), Сарчашма МФЙ, Филон МФЙ ва Хисорак МФЙ заиф (26-31 балл) даражалари асосида рейтинг баҳолаш тизими бўйича таклиф Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сон қарори ижроси юзасидан 283-4-0-Q/21-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги №01/13-6348-сон маълумотномаси). Натижада Шаҳрисабз тумани МФЙларида коммунал хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари аниқланган;

Шаҳрисабз туманида хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини ягона платформада бирлаштириш асосида харажатлар ҳажмини камайтириш, ресурсларни тежашни йўлга қўйиш ёрдамида 75 фоиздан 25 фоизгача қисқартириш бўйича таклиф Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сон қарори ижроси юзасидан 283-4-0-Q/21-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги №01/13-6348-сон маълумотномаси). Натижада коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар, тадбиркорлар ва аҳолига хизмат кўрсатилишини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ҳамда коммунал тўловларни амалга оширишда замонавий технологияларини қўллаш натижасида 35 млн. сўм иқтисодий самарага эришилган;

Шаҳрисабз туманида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш кўрсаткичларининг 2026 йилга қадар прогноз параметрлари бўйича таклиф Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 июндаги “Кўп

квартирالي уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сон қарори ижроси юзасидан 283-4-0-Q/21-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги №01/13-6348-сон маълумотномаси). Мазкур модел асосида Шаҳрисабз туманидаги уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, маҳаллий журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та мақолалар, шунингдек, илмий-амалий анжуманларда 16 та маъруза тезислари нашр этилган.

Шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ЭХМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг расмий руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни тизимлаштиришнинг илмий-услубий асослари, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда интерактив хизматларни жорий этишнинг аҳамияти, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни рақамли бошқарувини жорий этишнинг хорижий тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари каби масалалар хусусида фикр юритилган.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамасдан, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаганлиги ҳақида айтиб ўтганлар.



**1-расм. Интерактив коммунал хизматларнинг тизимлаштирилган кўриниши<sup>8</sup>**

<sup>8</sup> Манба: муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

1-расмдан кўриб турганимиздек, ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг интерактив хизматлари тизимини ташкил этишда маълумотларга ишлов бериш, маълумотларни узатиш, электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этиш, аҳоли билан онлайн мулоқотни ташкил этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланилади.

“Давархитектқурилиш” кўмитасининг ҳудудий органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ишини назоратини кучайтиришни мақсадида “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон фармони орқали коммунал муаммоларни тубдан ҳал қилишга чақиради.<sup>9</sup>

Ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни интерактив хизматлар тизимини жорий этишда техник ва дастурий воситалардан биргаликда фойдаланиш зарурияти мавжуд. Бунда, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш, бир вақтнинг ўзида бир неча топшириқларни бажариши, кўп функционалликни бошқариши, кўп фойдаланувчиларлар ишлашини таъминлаши, маълумотларга ишлов беришда тезкор натижаларга эришиш мумкин.

Булардан ташқари соҳада электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этиш, маълумотлар алмашинувида катта самара беради. Масалан, локал ва глобал тармоқлар орқали электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этишда вақтнинг тежалиши, масофанинг қисқариши, ортиқча сарф-харажатларнинг тежалиши, ресурсларнинг исроф бўлишини олдини олиш каби самарадорликка эришиш мумкин. Техник тараққиётнинг ривожланиб бориши натижасида, қоғозбозлик давридан янги рақамли ҳужжатлар дунёсига ўтиш муносабати билан ҳужжатлар билан ишлаш янада енгиллашади. Электрон ҳужжат айланиши тизимида ишлаш, бошқа офис дастурларида ишлаш каби ҳеч қандай қийинчиликлар туғирмайди. Дунёнинг исталган бурчагидан туриб, исталган қурилма орқали иш юритиш мумкин бўлади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни интерактив хизматлар тизимини ташкил қилиш, турли жараёнларни рақамлаштириш учун қўлланиладиган технологияларни жорий этишни ўз ичига олади:

- дастурий пакетлар орқали прогнозлаш ва моделлаштириш;
- автоматик равишда ресурслар сарфини ҳисобга олиш;
- электрон ҳисоб-китоблар ва тўловларни қабул қилиш;
- электрон ҳужжатларни бошқариш;
- таъмирлаш учун ресурслар ажратиш;
- қўшимча хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.


Демак, уй-жой коммунал хизматларини интерактив хизматлар тизими, замонавий технологияларини жорий этиш нима учун зарур эканлигини, қанчалик муҳимлигини кўриш мумкин. Кўпгина соҳаларни рақамлаштириш йўлга қўйилган, балки кўпчилик учун бу тушунча эскирган бўлиши мумкин, лекин замонавий технологиялар асосида бошқарувни ташкил этилиши биринчи

---

<sup>9</sup> “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон Фармони

навбатда иқтисодий тежамкорликка эришишда, тизимни автоматик мониторинг қилишда, масофадан бошқаришда ёрдам беради.

Худудларда уй-жой коммунал хизматларни рақамли бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бошқаришнинг институционаллашуви ва ижтимоийлашувидир. Институционал таҳлилига асосланиб, фаол позицияни худудларда турли хил шакл ва усуллар билан бирлаштириш зарур, деган хулоса келиб чиқади.




**2-расм. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни рақамли бошқарув тизимини жорий этишнинг институционаллашуви<sup>10</sup>**

Табиийки, уй-жой коммунал хизматларни бошқаришнинг ташкилий механизмини амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд, масалан, худудларнинг ҳажмини ҳисобга олиш керак. Шундай қилиб, ўрта ва кичик худудлар учун контсессия шартномасини тайёрлаш процедураси уни тузиш учун катта ва қимматбаҳо тайёргарликдир. Масалан, Шаҳрисабз шаҳри яқинида Шаҳрисабз туманига қараганда анча аниқ. Контсессия шартномаларини амалга ошириш амалиёти ҳам мавжуд эмас, бу ҳам салбий таъсир қилади. Худуд маъмурияти бу ҳолатда муҳандислик инфратузилмаси, уй-жой коммунал хизматларини кўрсатадиган корхоналар эгасидир хизматлар ва уй-жой хизматларининг минимал қиймати учун минтақавий стандартларни ишлаб чиқарувчи. Монополияга қарши қўмитаси уй-жой коммунал хизматларини тақдим этадиган корхоналар ўртасидаги рақобатнинг амалга оширилишини кузатиши керак, йирик кичик корхоналарнинг қўшилиши, кенгайиши, қайта ташкил этилиши, ассимиляция қилиниши натижасида ушбу секторни монополлаштириш тенденцияси мавжуд ва технологик хусусиятлар туфайли бир қатор хизматлар рақобатли бозорларда тақдим этилиши мумкин эмас.

<sup>10</sup> Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Коммунал хизматларни такомиллаштиришнинг институционал таҳлил қилиш орқали уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бозорини унинг хавфсизлигини таъминлашдан тортиб давлат-жамоат ва коммунал-хусусий шериклик тамойилларини муваффақиятли амалга оширишгача самарали тартибга солиш ва кенгайтирилган такрорлаш, ресурслар етказиб берадиган корхоналардан иборат ягона уй-жой-коммунал тизими ва бошқарув компаниялари аҳолига уй-жой хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида ташкилий-иқтисодий ишончлилиги ва интеграция бошқариш тизими, коммунал инфратузилмани барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин (3-расм).



**3-расм. Уй-жой коммунал хизматларни рақамли бошқаришнинг институционал таҳлили<sup>11</sup>**

3-расмдан кўриб турганимиздек коммунал хизмат кўрсатиш тармоғи фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар ва гуруҳларининг турли даражадаги иерархик тизимини ифода этади, бундан ташқари, уларнинг ўзаро муносабатлари, инновацион инфратузилма, бозор субъектлари билан алоқаларни шакллантириб беради. Худудларда коммунал хизматларини тақдим этишнинг замонавий тизимини тартибга солишнинг институционал ва ижтимоийлашуви маҳалла фуқаролар йиғинининг ривожланиши билан белгиланади. Ижтимоийлик - кўп сонли фойдаланувчиларни жалб қилиш зарурати турли ролларни бажарадиган органлар, бу биринчи навбатда коммунал хизматларни ривожлантиришда маҳалла фуқаролар йиғинининг

<sup>11</sup> Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

роли тўғрисида гап боради. Коммунал хизматлар, коммунал тўловларни амалга ошириш соҳаси бўлган ҳолда, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тартибга солиниб туради ва ғоя берувчи субъект ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Худуд инфратузилмаси ва экотизимни сақлашда коммунал хизмат кўрсатишни соҳалар билан ўзаро интеграциясини ташкил этиш йуллари**» деб номланган иккинчи бобида худуд инфратузилмаси ва экотизимни сақлашда коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришнинг интеграцион алоқаси, худудда коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини соҳалар билан ўзаро интеграциясини такомиллаштириш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини тизимлаштириш жараёнлари бўйича маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

Худуд аҳолисининг турмуш шароити мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Ўз навбатида ижтимоий соҳа аҳолига моддий ва маънавий неъматлар етказиб берувчи инфратузилмалардан ташкил топади. Бугунги кунда дунёда “интерактив хизматлар” аксарияти интернетдан фойдаланишнинг бир қисми бўлган рақамли хизматларнинг кенгрок доираси билан боғлиқ. Бу шунчаки инфратузилма эмас, балки баъзи фойдаланувчиларга керак бўладиган хизматлар бошқалар талаб қиладиган хизматлар билан бир хил бўлмайди.



**4-расм. Коммунал хизматлари учун тўловларни тўлаш тизимини яратиш муаммолари<sup>12</sup>**

Худудларда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини замонавий технологиялардан фойдаланиб оширишни ташкилий, иқтисодий ва бошқарув муносабатларини рақамлаштириш, истикболли услубий воситаларни излаш ва янги рақамли шаклларни ташкил қилишдан иборат. Жумладан, маълум даврда

<sup>12</sup> Манба: муаллиф илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

нотўғри юритилган ижтимоий тизим оқибатида йирик шаҳарларда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд тўпланиши, туман посёлка ва маҳаллаларда эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг паст даражада қолиши табақалашувни кескинлаштирди. Айниқса мамлакатимиздаги кўплаб ҳудуд аҳоли пунктларидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасига салбий таъсир кўрсатди.

Уй-жой коммунал хизматлари учун тўловларни тўлаш тизимини яратиш муаммоларини ҳал қилиш учун бутун ташкилий, технологик ва техник муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун асос янги авлод учун автоматлаштирилган ахборот тизими бўлиб, у коммунал тўловларни ҳисоблаш, олиш ва қайд этиш жараёнларининг барча иштирокчиларини бирлаштирган коммунал хизматларни рақамли инфратузилмасига айланиши керак (4-расм).

Турли соҳаларда замонавий технологияларнинг таъсири бошқача. Шубҳасиз, рақамли технологиялар учун энг осон йўли қўйи даражадан юқори даражадагача рақамлаштирилган тармоқлардир. Бироқ, бундай аниқ рақамлаштириш иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир қилади. Уй-жой коммунал хизматлари учун тўловларни тўлаш тизимини яратиш муаммоларини ҳал қилиш учун бутун ташкилий, технологик ва техник муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун асос янги авлод учун рақамлаштириш бўлиб, у коммунал тўловларни ҳисоблаш, олиш ва қайд этиш жараёнларининг барча иштирокчиларини ижтимоийлаштирган рақамли инфратузилмаси қуйидагилардан иборат:

- рақамли инфратузилмани яратиш учун ўсиш драйвери моделлар орқали, ядро ичида ва ундан ташқарида ўсишни рағбатлантириш, тадбиркорликни янги рақамли моделларни аниқлаш ва коммунал хизматлар бозорида узоқ муддатли рақобатбардошликни таъминлаш;

- трансформацияга асосланган самарадорликни ошириш воситаси сифатида анъанавий технологиядан рақамли технологияларга ўтказиш орқали оптималлаштириш;

- мавжуд ваколатлар ва инфратузилмалардан оқилона фойдаланиш ва барча даражадаги жараёнларни бирлаштириш ва харажатларни камайтириш керак.

Ҳудудларда коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини замонавий технологиялардан фойдаланиб рақамлаштириш ва маълумотлар базасини яратишда имитацион моделлар оддий, анъанавий усулларни инкор этмайди, балки уларни янада ривожлантиришга ва объектив ўзгарувчан натижа кўрсаткичларини бошқа кўрсаткичлар орқали муайян таҳлил қилишга ёрдам беради. Ҳудудларда коммунал хизматларни замонавий технологиялардан фойдаланиб, ахборотлар базасини яратишда ҳар бир жараёнга мураккаб тизим сифатида қаралади. Натижада ўзаро боғланган элементлардан ташкил топган жараёнларни, улар биргаликда иқтисодий жараённинг маълум хусусиятлари ва функцияларини юзага келтиради. Коммунал хизматлар сифатини ошириш моҳиятини талқин қилиш учун функционал кўринишда қуйидагича имитацион кўрсаткич белгиларидан фойдаланамиз:

$$Au_t = f_1(t); \quad (1)$$

$$A_t = f_2(Au_t); \quad (2)$$

$$QA^{mr}_t = f_3(QA_t); \quad (3)$$


$$A^{hq}_t = f^h_4(t), \quad h=1 \div n \quad (4)$$

Бу ерда:

$A_t$  –  $t$  йилдаги коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган кишилар сони, киши ;

$Au_t$  –  $t$  йилдаги коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган кишилар сонининг ўсиши, киши;

$QA^{mr}_t$  –  $t$  йилдаги меҳнат ресурслари, киши;  $A^{hq}_t$  –  $t$  йилдаги туманнинг  $h$  – ҳудудидаги хизматчилар сони, киши.



**5-Расм. Ҳудуд инфратузилмаси ва экотизимни сақлашда чиқиндиларни бошқаришнинг ахборот модели.<sup>13</sup>**

Бундай усул хизмат кўрсатиш жараёнларининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва прогнозлашда кенг қўлланилади. Негаки, бунда ривожланишдаги бош омиллар ҳаракатларининг натижавий таъсирлари

<sup>13</sup> Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

вақт омилида умумлаштирилган, деб қаралади. Ахборот объектлари ва одатдаги операциялар рўйхатини, шунингдек, уй-жой коммунал хизматлар тўловларини тўлаш тизимларида уларнинг орасидаги боғланишларни аниқлаш учун, ҳар хил ҳудуд субъектлар учун тавсия этилган ахборот моделини амалий татбиқ этиш тавсия этилган (5-расм).

Диссертациянинг «**Шаҳрисабз тумани коммунал хизмат кўрсатишнинг тизимлашган “Digital Communal” дастурий таъминоти**» деб номланган учинчи бобида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича интерактив хизматларнинг ягона платформасини яратиш, коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувининг рақамли “Digital Communal” дастурий таъминотини тадбиқ этилиши ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигининг тенденциялари ва ривожланиш истиқболларининг проноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ҳудудларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини соҳалар билан ўзаро интеграциясини ташкил қилиш ва оптимал қарорлар қабул қилиш учун рақамли ривожланишнинг тўртта технологик асосларига, қайсики рақамлаштириш жараёнини тизимли тарзда қуриш мақсадга мувофиқ:

- "катта маълумотлар", бу имкониятларнинг кескин ўсишини англади барча турдаги компьютер тизимларида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, келажак сунъий интеллект асослари;

- ижтимоийлик - кўп сонли фойдаланувчиларни жалб қилиш зарурати турли ролларни бажарадиган органлар;


- ҳаракатчанлик - жараённинг исталган жойидан маълумотларнинг мавжудлиги;

- булутлилик - маълумотларни сақлаш усули.

Уларнинг комбинацияси бизнес-жараёнларнинг нархини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Маҳсулотларни ҳар бир аниқ миқдорнинг эҳтиёжларига мослаштириш ва хизматлар қачон ҳамда улар бўлмаган жойда етказиб беришдир.


Ушбу ёндашув билан ҳудудларда коммунал хизматларни рақамли бошқаруви платформаси, коммунал бозорни таҳлил қилиш тизими сифатидагина эмас, балки уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхонасининг ҳар бир ходимини бошқариш вазифаси бўлган интеллектуал таркибий бўлинма сифатида тушунилиши керак. Буюртмачи томонидан белгиланган тамойилларга раҳбарлик қилиш орқали янада каттароқ тизим механизмнинг элементини ишлаб чиқиш керак. Бу ғоя рақамли платформа бошқарув модели, асосий тамойиллари ва қоидаларига асосланади, унга мувофиқ жараённинг барча иштирокчилари қатнашади. Юқоридагиларни умумлаштириб, биз ҳудудларда интерактив хизматлар платформасини замонавий рақамли технологияларга асосланган интеграциялашган воситалар, ундан фойдаланиш фаолиятни бошқаришни соддалаштирилган ва ижтимоий муҳит ичида ҳам, ташқи муҳитда ҳам ўзаро таъсир этувчи иқтисодий тизим сифатида белгилаб оламиз. Бироқ, бу ўз-ўзидан дастурий маҳсулот эмас, балки платформадаги интерактив хизматлар, мобиль иловалар ва маълумотлар базаларидир. Рақамли

платформанинг хусусиятлари, унинг асосий таркибий элементларини қуйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин (6-расм).



**6-расм. Интерактив хизматлар платформасининг хусусиятлари, унинг асосий таркибий элементлари<sup>14</sup>**

Шу боисдан биз ҳудудларда коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятини замонавий технологиялардан фойдаланиб сифатини оширишда интеграцион турдаги “Digital Communal” интерактив хизматлар платформасининг бошқариш модели ишлаб чиқилди (6-расм).



**7-расм. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни “Digital Communal” платформаси ёрдамида бошқаришнинг тизимли модели.<sup>15</sup>**

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда интерактив хизматлар платформалари рақамлаштириш учун энг истиқболли восита ҳисобланади. Барча даражадаги

<sup>14</sup> Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>15</sup> Манба: муаллиф илмий таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

ижтимоий-иқтисодий тизимлар, амалга оширувчи тармоқ бошқарувига асосланган бизнес моделларида инқилобий ўзгариш мавжуд.

Тадқиқот олиб борилаётган масаланинг бугунги кундаги долзарблиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар талабига мос ҳолда объектив заруратдан келиб чиқмоқда ва у қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) бугунги кунда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг сифатини оширишнинг объектив зарурати;
- 2) коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг сифатини ошириш кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш учун бир қанча бошқа ижтимоий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимлиги;
